КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 24 ноябрь, чоршанба # 47 (111)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000

5 ДЕКАБРЬ 9 ЯНВАРЬ

• *Сайловчи минбари*

ФУҚАРОЛИК БУРЧИ

Юртимиз мустақиллик шабодасидан илк бор баҳра олганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо ана шу қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда мисли кўрилмаган, асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда ўзбек деган номни, ўзбек деган миллатни бутун жаҳон танимоқда.

Давлатимиз ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини юртбошимиз белгилаб берган иқтисодий ислоҳотларнинг бешта асосий тамойиллари асосида собитқадамлик билан босиб ўтмоқда. Эндиликда жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни, ўз овози бор. Бу билан қувонмай бўладими?

Мен оддий бир фуқаро сифатида ана шу буюк ўзгаришларда улуғ халқимизнинг фидойилигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айни кунларда юртимизда сайловлар жараёни изчиллик билан олиб борилмоқда. Миллатимиз тақдири, унинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиб, муносиб номзодларга овоз беришни ўз бурчи, деб билиши керак.

Ҳозир ҳар бир сайловчи қайси номзодга овоз бериш ҳақида бош қотириши турган гап. Мен бу сайловда халқимизнинг муносиб фарзандлари депутатлик мандатини олишларига ишонаман.

Шуҳрат УМУРОВ,
1-гуруҳ ногирони, Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги



Кўкон шаҳридаги 39- мактаб шаҳардаги энг намунали ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Суратда: 8-ҳуқуқ синфининг аълочи ўқувчилари М.Ризаев ва Ж.Шофиевлар.



Ушбу мактабнинг 8-ҳуқуқ синфи ўқитувчиси З.Саидхўжаева машғулот ўтказмоқда.

• *Сайловлар олдидан*

Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоятлар, туман, шаҳар кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига тобора яқинлаштиряпти. Дарвоқе, сайловлар жонажон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигига эришгач, янгича маъно, моҳият касб эта бошлади.

САЙЛОВЛАР КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Мустақиллик йилларида тўғрисини айтишимиз керак, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги намоён бўла бошлади. Демократик тамойилларга тўла амал қилинаётир. Шу ўтган давр мобайнида ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда «ўзимизга хос ва мос», жаҳон тан олган янги Конституциямиз қабул қилинди ва қатор қонунлар ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилди. Кўраяпмизки, бу ўз самарасини бериб келмоқда. Бу нарса энг аввало, сайловларга тайёргарлик демократик тамойиллар асосида ўтаётганида ҳам ёркин ифодасини топаётир. Мамлакатимизда миллати, жинси, диний эътиқодидан қатъий назар сайлов ёшига тўлган ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи қонун асосида белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган бу хайрли ишлар Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу ҳақда туман ҳокими О.Жуманиёзов шундай ҳикоя қилади:

- Давлатимиз ҳаётида сайловлар муҳим аҳамият касб этади. Жуда масъулиятли паллада турганимиз аён. Мамлакатимиз Президентини, Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, маҳаллий ҳокимиятлар вакиллик органларига депутатларни сайлаймиз.

Дарвоқе, туманда сайловолди ишлари қизғин олиб борилмоқда. Депутатликка номзодлар рўйхатга олиниб, уларнинг номлари эълон қилинди. Олий Мажлис депутатлигига 8 нафар номзод, Жўқорғи Кенгесга 25 нафар номзод, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига 97 нафар номзод рўйхатга олинди.

Айни кунларда туманимизда 40 та участка сайлов комиссияси фаолият кўрсатаяпти. Жойларда сайлов қонунларини тушунтириш борасида семинар-кенгашлар ўтказиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдик. «Қизилқалъа» овул фуқаролар йиғинида, Навоий номли, «Олға бос», Беруний номли жамоа хўжаликларида жойлашган сайлов участкаларида ишлар кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Сайлов ўтказиладиган хо-

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ОБУНА — 2000 «ҲУҚУҚ»

«Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна учун индексларимиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:	«Қонун ҳимоясида» журнали:
Якка тартибдаги обуначилар учун -231	Якка тартибдаги обуначилар учун -839
Ташкилотлар учун - 232	Ташкилотлар учун - 840

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин

Обуна бўлишга шошилинг!

• *«Ҳуқуқ» таништиради*



Муйитдин Мўминович Воҳидов —1953 йил Бухоро вилоят Ромитан туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий. 1980 йилда ТошДУнинг юридик факультетини тугатган. Кўгон туманлараро прокуратураси иш ўрганувчиси, Ф.Хўжаев туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори, Ф.Хўжаев туман прокурорининг ёрдамчиси, Ф.Хўжаев туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори, Олот туман прокурори, Олот туман прокурори вазифасини бажарувчи, вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори, вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи, 1999 йил июнь ойидан буён вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси лавозимида ишлаб келмоқда.
53-Галаосиё сайлов округидан Олий Мажлисга депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган.

«ХАЛҚИМ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЙ ДЕБ...»

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ҚАТНАШИШГА КИРИШДИМ, ДЕЙДИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИНГАН МУЙИТДИН ВОҲИДОВ

— Муқобил номзодлар сафида туриб, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларида, учрашувларда билдирган фикр-мулоҳазалари, долзарб масалаларни ечишга бағишланган асарлари ва жамиятимиз олдида турган муаммоларга асосланиб ўз сайловолди ҳаракат дастуримни туздим, — дейди Муйитдин Воҳидов. — Дастуримнинг бош ғояси инсон, унинг манфаатлари, оила фаровонлиги, ёшларнинг маънавий баркамол ривожланиши, буюк келажак учун уларни тайёрлаш, чуқур билим олишлари, меҳнаткашларнинг фаол хизмат қилишлари, катталарнинг қарилик гаштини суришлари учун жамиятимизда муносиб шарт-шароитларни таъминлаш бўйича фаолият кўрсатишдан иборат.

Маълумки, Конституциямизга биноан Олий Мажлис олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Қонунлар эса ҳуқуқий демократик давлатнинг асоси, унинг тамал тошидир. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулиятли жараён ҳисобланиши кўпчиликка аён.

Долзарб муаммоларни ечишнинг энг асосий йўлларидан бири қонунчиликни такомиллаштириш, ҳаётга мос қонунлар яратиш, амалиётда уларнинг бажарилишини таъминлаш, деб ҳисоблайман.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиққан ҳаракат дастуримнинг таркибий қисми асосан қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараён — кучли давлатчиликдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишни таъминлаш борасида давлат тасарруфида бўлган кўплаб ҳуқуқ ва ваколатларни маҳаллий органлар ва жамоат ташкилотларига ўтказиш, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мустақил равишда фаолият кўрсатишига эришиш, барча соҳаларда қонун устиворлигини амалда таъминлаш бўйича фаолият кўрсатиш.

Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик, миллатлараро тотувликни сақлаш учун ҳисса қўшиш.

2. Ватанимизнинг янада юксалиши, мустақиллигини мустаҳкамлаш, кучли ва қудратли бўлиши ҳар бир кишининг бурчи эканлигини диққат марказида тутиш. Ўз меҳнати

Сайловлар яшаб турган жамиятимизни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Кўппартиявийлик йўли билан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органлари депутатлигига муқобил номзодларни кўрсатишнинг ўзи ҳам демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

билан жонини фидо қилиб, моддий ва маънавий бойликларга бойлик қўшиш учун меҳнат қилаётган кишиларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни эъзозлаш ва рағбатлантиришни кенгайтириш. Мустақил тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш. Бу соҳадаги қонунларни такомиллаштириш.

Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, хусусийлаштиришда рақобатчилик муҳитини ўстириш учун ҳисса қўшиш.

Солиқ тизими фаолиятини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий ҳом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган молмулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишнинг қонуний, самарали механизмларини яратиш бўйича фаолият кўрсатиш.

Ер ислоҳотларини, ерга эгалик туйғусини хусусий мулк даражасига кўтариш, ўтиш даврида қишлоқдаги ҳўжалик юритувчи субъектларга давлат томонидан ёрдам беришни ва қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришни устувор йўналишга айлантириш. Деҳқоннинг қишлоқдаги марказий яратувчи шахс бўлишига эришиш, уни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, унга хизмат кўрсатишда соғлом ва адолатли рақобатни шакллантириш бўйича фаолият кўрсатиш.

Ватанимиз иқтисодий асосларига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига, равнақига жиддий зарар етказаётган жиноятчилик, унинг оғир турларию ғушган, мураккаблашган жиноятчилик, коррупция, инсон ҳаёти учун оғу бўлган гиёвандлик, наркобизнес, айниқса бугунги кунда барқарорлигимизга салбий таъсирини ўтказмоқчи бўлаётган диний ақидапарастлик ва уларнинг кўпорувчилик ҳаракатларига барҳам бериш, ёш авлоднинг улар таъсирига тушиб қолмаслиги учун қурашиш, шунингдек, бироргга ҳам шахснинг асоссиз, қонунсиз жавобгарликка тортилмаслиги муҳим масалалардан биридир.

3. Ижтимоий муҳофаза масаласига эътиборни кўпроқ қаратиш...

4. Маънавий ва маданий йўналишда тарбиячилар, муаллимлар, ижодкорлар ва қолаверса барча соҳа мураббийларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг нуфузини ошириш учун курашиш.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этиш. Ёшларда изчиллик билан истиқлол мафкурасини ривожлантириш. Ҳуқуқий маданиятини юксалтириш.

Ватанимга садоқат билан хизмат қилишни, халқим ва сайловчиларим ишончини оқлашга бутун қобилиятим, тафаккурим ва салоҳиятимни сафарбар этишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

• *Сайловлар олдидан*

САЙЛОВЛАР КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАЙДИ

налар таъмирланди, алоқа тармоқлари ўрнатилди. Сайловларга алоқадор адабиётлар, плакатлар қўйилди. Беруний туманида бу йилги сайловларда 69183 нафар сайловчи қатнашади... Шуниси муҳимки, сайловчилар бугунги кунда номзодлар ҳақида маълумотлар олиш мақсадида сайлов участкаларига ташриф буюрмоқдалар. Уларнинг айримлари билан учрашиб суҳбатлашдик.

Фахриддин Абдураимов, нафақадор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган пахтакор:

- Етмиш ёшни қоралаяпман. Умрим давомида кўпгина сайловларда қатнашдим. Бу йилги сайловнинг мазмун-моҳияти ўзгача. Чунки бу сайловлар мустақил, озод Ватанимиз келажагини белгилаб беради. Шундай экан, қайта-қайта ўйлашимиз керак. Кимга овоз берямиз? Номзод соф виждонлими, имон-эътиқоди бутунми? Уларнинг энг муносибини танлашимиз керак.

Отахон Рейимбоев, ўқитувчи:

- Яқинда мен депутатликка номзодлар рўйхати билан танишиб чиқдим. Уларнинг тармоқлари ҳам, ҳаёт йўли, тажрибаси қандай? Қонунни биладими? Ҳаммаси билан батафсил танишаяпмиз. Энди мен кимга овоз беришимни биламан.

Зевар Эркаева, ҳамшира:

- Сайловларда биринчи марта қатнашаман. Тўғриси, ҳаяжоним ичимга сиғмайди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайман. Чунки, бизнинг оилага ўхшаган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли қийналмай яшамоқдалар. Насиб қилса сайловларда фаол қатнашаман.

Берунийликлар тиниб-тинчимас, меҳнатсевар кишилар. Улар далаларда, фермаларда, қурилишларда ва бошқа соҳаларда ҳалол ишламоқдалар. Ниятлари - сайловларни муваффақиятли ўтказиб, йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаш, тинч, омон, бахтли яшаш.

Нуриддин ОҚНАЗАРОВ, журналист

• *Муаммо*

САБРНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Туман маркази Халқобод қўрғонида иссиқлик манбаи корхонаси мавжуд. Унда ўрнатилган иситиш қозонлари табиий газ билан иситишга мўлжалланган. Мактаблар, болалар боғчалари, тиббиёт муассасалари, алоқа бўлими, ҳокимлик ва «Пахтабанк» бинолари шу тармоқ орқали иситилади.

Иссиқлик қозонлари муҳандислик иншоотларини эшик қоқаётган қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар асосан амалга оширилган. Бироқ, шуниси ачинарлики, ҳамон ушбу корхона ишга туширилмаган. Муҳим аҳамиятга молик муассаса ва идораларни иситиш пайсалга солинаётир.

Маълум бўлишича, иссиқлик манбаи корхонасида ўрнатилган табиий газ миқдорини ўлчайдиган мосламалар шу йилнинг 25 август куни давлат стандарти кўригидан ўтказилиши мўлжалланган экан. Афсуски, мутасадди раҳбарлар узоқ муддат мобайнида ана шу асосий талабни бажармай келишди. Шу боис, табиий газ билан таъминлаш ҳам орқага сурилаверди. Корхона бошлиғи Ш.Довунов эса, бунга вилоят иссиқлик манбаи бошқармаси ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаганлигини рўкач қилиб кўрсатиш билан масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилишга уринди.

Туман газ билан таъминлаш корхонаси фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Кўплаб муассасаларда газ ўлчагич мосламалар умуман ўрнатилмаган. Марказий шифохона тизимидаги «Кўнғирот» юқумли касалликлар шифохонаси, А.Набиев жамоа хўжалигида жойлашган участка туғруқхонаси, туман халқ таълими тизимидаги А.Набиев номли, Оҳунбобоев номли мактаблар, «Наврўз», «Семурғ» болалар боғчалари шулар жумласидандир. Туман газ билан таъминлаш идораси масъул раҳбарлари эса, бу ҳақда тегишли мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиришни ўзларига эп кўришмаган. Тўғридан-тўғри истеъмолчиларнинг газ билан фойдаланишларини тўхтатиб қўйиш билан кифояланишган.

Кўпгина ташкилот ва муассасаларда ёнғинга қарши кураш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар зарур ўт ўчириш ускуналари билан таъминланмаган. Ёнғинга қарши кураш жамияти ходимлари назоратни сусайтириб юборишган.

Қор-ёмғирли совуқ кунлар бошланди. Бунақа аҳволда бу ишга мутасаддиларга «кўзингизни очинг, халқни ўйланг, сабрнинг ҳам чегараси бор», дегимиз келади.

Ж.АЗИМОВ,
Музработ туман прокурори катта ёрдамчиси

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

• *«Ҳуқуқ»қа жавоб берадилар*

ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШГА АСОС ЙЎҚ

Газетамизнинг #32 (36) 4 август сонида фуқаро Ф.Батуровнинг «Суд қонуний қарор чиқаришига ишонгандим» сарлавҳали шикоят хати эълон қилинганди. Унда шикоятчи қонуний сотиб олган уйини бошқа фуқаролар эгаллаб олишганликлари, судлар ҳам уларни ҳимоя қилаётганликларини билдириб, судлар шаънига анча «нордон» гаплар билдирганди. Аммо...

Фуқаро Ф.Батуровнинг аризаси бўйича фуқаролик иши ўрганилиб, текширилди.

Аниқланишича, фуқаро А.Қўчқоров Россия Федерациясига кўчиб кетиши муносабати билан ўзига шахсий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Тошкент шаҳар, А.Югнакий мавзеси, 29-уйнинг 44-квартирасини сотиш учун муаллифнинг номига Юнусобод туман 2-сонли нотариал идорасида 1994 йил 4 январда ишончнома расмийлаштирган, у ишончнома расмийлаштирилмасдан олдин, 1993 йил декабрда ушбу квартирани фуқаро Ирисбековга сотиш ҳақида хонаки шартнома тузади.

1994 йил 15 январ куни А.Қўчқоров фуқаро К.Идаев номига Шайхонтоҳур туман 2-сон нотариал идорасида турмуш ўртоғи Н.Қўчқорованинг низоли квартирани сотишга розилиги ҳақидаги аризаси билан қўшиб, квартирани сотиш ҳақида ишончнома расмийлаштиради, ўзи эса Россия Федерациясига кўчиб кетади.

К.Идаев 1995 йил 21 февралда ушбу ишончнома асосида низоли квартирани фуқаро М.Зокировга Мирзо Улуғбек туман 1-сон нотариал идорасида олди-сотди шартномасини расмийлаштирган ҳолда сотган ва Зокиров оиласи билан низоли квартирага кўчиб ўтиб, таъмирлаб, яшай бошлайди.

Фуқаро Ф.Батуров эса 1995 йил 13 апрелда низоли квартирани фуқаро У.Ирисбековга сотиб, шартномани Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасида расмийлаштиради, аммо шартномани расмийлаштиришда Қўчқоровнинг турмуш ўртоғи борлигини ва у Россияга кўчиб кетганлигини яширган.

Фуқаро М.Зокиров уй-жойни таъмирлаб бўлгач, низоли квартиранинг Ирисбековга сотилганини билиб қолиб, туман судига Батуров номига берилган ишончномани ҳамда 1995 йил 13 апрел кунги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат этган.

Ўз навбатида У.Ирисбеков ҳам М.Зокиров ва К.Идаевга нисбатан Идаев номига берилган ишончномани ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарши даъво талаблари билан судга мурожаат этган.

Мирзо Улуғбек туман судининг 1999 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра М.Зокировнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, У.Ирисбековнинг қарши даъво талаблари рад этилган. Ирисбековга низоли квартирани сотиб олиш учун сарфланган харажатларини ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1999 йил 24 июндаги ажримига кўра туман судининг ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларига қараганда, муқаддам ушбу низо юзасидан суд қарорлари Олий Суд протестига кўра бекор қилиниб, янгидан кўришга юборилган ва туман суди ишни кўришда Олий Суднинг барча кўрсатмаларини бажарган ҳолда холисона ва ҳар тарафлама кўриб, қонуний ечимга келган.

Жумладан, К.Идаев - Зокиров ўртасидаги шартнома нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги Йўриқнома талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда тузилганлиги ва аксинча, Ф.Батуров билан Ирисбеков ўртасидаги шартномани тузишда Батуров томонидан била туриб Қўчқоровнинг турмуш ўртоғи борлиги яширилгани, қолаверса, шартномада Қўчқоровнинг имзоси қалбакилаштирилганлиги суд томонидан тўлалигича исботланган.

Шунингдек, Ф.Батуров ишончномадан бир йилдан ошиқ муддат мобайнида амалда фойдаланмаганлиги, фақат Зокиров квартирани сотиб олгандан сўнг низоли квартирани Ирисбековга сотганлиги, 1993 йилда Қўчқоров билан Ирисбековнинг ўзаро олди-сотди шартномасини расмийлаштиришига тўсқинлик қила оладиган бирор ҳолат мавжуд бўлмаганлиги суд мажлисида тарафлар ва гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланган.

Бундай ҳолатда иш юзасидан қабул қилинган қарорларга қонуний ва назорат тартибида протест келтириш учун асос йўқ.

М.САИДОВА,
Республика прокуратурасининг Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

• *Акс садо*

БАТАФСИЛ ЁРИТИЛСА...

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен «Ҳуқуқ»нинг 20 октябрь сонидаги «Мени ўлдирмайсизми?» сарлавҳали мақолани ўқиб, вужудимни қалби тошга айланган аёл (уни она дейишга тил бормайди) - Башоратга нисбатан битмас туганмас қаҳру ғазаб, нафрат туйғуси қамраб олди. Ахир, мен 46 йиллик ҳуқуқшунослик фаолиятим давомида ҳам бундай воқеани учратмаган эдим-да.

Она меҳрини дарёга қиёслайдилар. Бола учун ҳеч қандай меҳр она меҳрининг ўрнини босолмайди. Лекин онанинг ўз фарзанди, жигарпораси жонига қасд қилиши...

Эри бевафолик қилган экан, норасида Сардорда нима гуноҳ? Ахир, Сардор бешафқат Башоратнинг ҳам боласи эди-ку? Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётда бундай воқеалар кам бўлса-да, учраб турар экан.

Менинг фикримча, жамоатчиликка сабоқ бўладиган бу воқеани имкон қадар кенгроқ ёритиш лозим. Эр-хотин ўртасидаги ажралишнинг ҳам, фарзандларнинг ота меҳридан бенасиб қолишининг ҳам бош сабабчиси Башоратнинг ўзидир, балки.

Мен газетанинг келгуси сонларида ушбу фожеанинг туб илдизлари, бўлиб ўтган воқеа юзасидан текшириш натижалари, бешафқат она Башоратни бу йўлни танлашга мажбур этган сабаблар хусусида батафсилроқ маълумот берасизлар, деган умиддаман.

Ғ.ХАЛИЛОВ, Тўйтепа шаҳри

• *Арзнома*

ЎҒРИ «ТОПИЛМАЯПТИ»

Ассалому алайкум, редакция ходимлари!

Аввало, ўзимни таништирсам. Мен, Эшонқулова Ҳожар, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Жуман Мехлиев номли жамоа хўжалигидаги Тўқбой қишлоғида яшайман. Ёшликдан олган тарбиям туфайли бўлса керак, бировнинг молига кўз олайтириб, ўғирлик йўлига кирган кимсаларга инсон сифатида қарамайман ва ҳар қандай вазиятда жиноятчи жазосини олиши керак деб ўйлайман.

Қишлоқда ҳар бир хонадонда қорамол боқилади. Асосий даромадимиз шундан десам ҳам бўлади. Менинг ҳам ўзимга яраша мол-ҳолим бор. Болаларимнинг еб-ичиши ва кийим-бошларига маблағни шундан топаман. Лекин қишлоғимизда тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна солувчи кимсалар ҳам топилади.

24 майга ўтар кечаси тахминан соат иккидан кейин уйимдан 4 бош қорамолимни ўғирлаб кетишди.

Суриштирсам, қишлоқдошларимдан бири, аниқроғи, Хидиров Неъмат соат 3.00 да сув боғлаб турганда молларни ҳайдаб кетаётган ўғриларни (улар 3 киши) кўрганлигини, уларнинг масофаси 3 метр чамаси бўлганлиги учун бирини таниб қолиб уч-тўрт марта чақирганлигини гапириб берди. Чақирганлигини эшитиб, улар молларни тезроқ ҳайдай бошлашган. Неъматнинг изоҳи: «Ёлғиз бўлганлигим учун уларни ушлай олмадим, қўшниларни чақирдим, ҳеч ким уйғонмади. Сувни боғлаб бўлгунимча, қаёққа кетишганини билолмай қолдим».

Ўша куни (24 май) тонг вақти соат 4:30 да ширкат раиси Йўлдошев Дилмурод ҳам тўрт бош молни 3 киши буғдойзор оралаб ҳайдаб кетаётганлигини кўрганлигини ва уларнинг бирини таниганлигини айтди.

Бу воқеани эшитиб, тезда ички ишлар бўлимига хабар бердим. Афсуски, уларнинг изланишлари натижа бермади.

Мавриди келганда айтиб ўтишим керакки, қўшни «Пахтакор» қишлоғида шу йил ҳисобидан олти-еттита от ва бир нечта қорамол йўқолди. Қишлоқ аҳолиси ва қариндош-уруғлар гоҳ милицияга хабар беришга қўрқишади, гоҳида эса юзхотир қилишади.

Анча вақтдан кейин ҳам умидимни узмай молларимни қидириб юрган вақтимда, тўсатдан «Қора мурса» қишлоғида, йўл ёқасида боғловли турган қорамолларимдан бирини кўриб қолдим. Суриштирсам, шу қишлоқда яшовчи Э.Маматов молни 30 май куни Қамаши бозоридан 34 минг сўмга сотиб олган экан. Эшқувватдан сўраганимда унга молни Ғанишер деган йигит («Лойқа» қишлоғида яшайди) даллол туриб олиб берган экан. Шунингдек, Ҳайит даллол ҳам бу ишда иштирок этган.

Ғанишер Эшқувватдан 34 минг сўмни санаб олган, аммо негадир мол сотган кишининг шахсини айтишдан бош тортаяпти.

10 июль куни топилган молимни милиция ходимлари ёрдами билан уйимга олиб келдим.

Аммо ҳали учта молим дом-дараксиз қолмоқда.

Наҳотки,«Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими ходимлари ашёвий далиллар, молни сотиб ҳеч виждони қийналмай пулларни санаб олган, молни сотишда бевосита иштирок этган шахслар аниқ бўла туриб ўғри ким эканлигини аниқлай олмасалар?

Ҳожар ЭШОНҚУЛОВА

• *Мададталаб мактуб*

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПАРМИКИН?

Биз истиқомат қилаётган уй 1980 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, аллақачон таъмир талаб ҳолга келиб қолган. Сабаби, ёғингарчилик фаслида томдан чакка ўтиб, пастки қаватларгача сув оқиб тушади. Ёмғир ёғса юрак ҳовучлайдиган бўлиб қолдик. Энг ёмони, электр симлари ўтган девор орасидан сув ўтиб, ёнғин хавфини келтириб чиқармоқда.

Бу ҳақда ЖЭК бошлиғига бир неча бор мурожаат қилганимиз билан натижаси бўлмади. Шундан сўнг Шайхонтоҳур тумани коммунал уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига бир гуруҳ аҳоли номидан ариза билан мурожаат қилдик. Котиба 17.06.98 йил рўйхат дафтарига 102-рақам билан аризамизни қайд этиб, олиб қолди.

Орадан бироз вақт ўтиб, аризанинг тақдири билан қизиқиб бошқармага ташриф буюрдик. Буни қарангки, бошқарма раҳбарининг бундан хабари йўқ экан. Яхшиямки, ёнимизда аризанинг нусхаси бор эди. Бошлиқ унга имзо чекиб, шикоят бўлимига топширди. Аммо, мана бир ярим йилдирки, ҳеч қандай натижа йўқ. ЖЭК бошлиғига қайта-қайта мурожаат қилганимиз билан, у қуруқ ваъдалар беришдан нарига ўтмаяпти.

Ғ.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Шайхонтоҳур тумани, «Гулобод» мавзеси, 46-уй, 7-хонадон

• *Таклиф*

БИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛМОҚДА

Мен «Ҳуқуқ» газетасининг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Унинг саҳифаларида бериб борилаётган ҳуқуқий мавзудаги турли таҳлилий мақолалар ҳар қандай ўқувчини ҳам бепарво қолдирмайди.

Айниқса, «Ҳуқуқий маслаҳатхона» саҳифасида берилаётган ҳуқуқий маслаҳатлар биз ёшларни ҳуқуқий билимларимизни оширишда катта кўмак бермоқда. Шунингдек, газетанинг сўнгги саҳифасида бериб борилаётган «Юлдузлар ҳаётидан», «Қаҳ-қаҳа бекати», кроссворд ҳамда қизиқарли хабарлар бизга жуда маъқул бўлмоқда. Таклифим «Юлдузлар ҳаётидан» рубрикаси остидаги материаллар доимий бериб борилса.

Д.МАМАДАЛИЕВ,
Сирдарё вилояти

ҲУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

77-72-25

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

«Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 9-модда)

КИМ ҚАНЧА ОВОЗ ОЛИШИ КЕРАК?

Мана, ҳозир мустақил республикамиз жуда ҳам қизғин жараённи бошидан кечирмоқда. Яъни, Олий Мажлис депутатлигига ва Президент сайловларига тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бу йилги сайловларнинг олдингиларидан фарқи шуки, улар кўппартиявийлик ва демократик тамойиллар асосида бўлмоқда. Ушбу сайловлар кескин курашлар билан ўтиши табиий, чунки бу гал сайлов округларида битта, иккита номзод эмас, балки бир неча шахслар депутатликка номзодларини қўйишган.

Маълумки, бир сайлов округи(участкаси)дан фақат битта номзод депутатликка сайланиши керак. Лекин юқорида айтиб ўтганимдек, бир сайлов округида бу номзодлар бир неча кишини ташкил этмоқда. Мени бир нарса қизиқтирмоқда - ана шу номзодларнинг ҳаммаси бир вақтда қатнашганда депутатлик учун охирида улардан икки киши қолиб кураш олиб борадиларми? Номзодлар айпан неча фоиз овоз тўплашлари керак?

Ф.ТОЛИПОВ,
Тошкент шаҳри, Қорақамиш даҳаси

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод сайланган, деб ҳисобланади.

Агар муайян бир округдан бир неча номзод депутатлик учун курашиб, етарли овоз ололмаган бўлсалар, улардан энг кўп овоз олган иккита номзод такрорий овоз бериш жараёнида депутатлик учун курашни давом эттирадилар.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган ҳисобланади.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОСИ БЎЛИБ ҚОЛАМАНМИ?

Мен 1964 йили Сирдарё вилоятининг Ховос тумани Қайирма қишлоғида туғилдим. Шу ерда ўсиб улғайдим, мактабни тугатдим.

1984 йили Тожикистонинг Зафарабод туманида яшовчи С. исмли шахсга турмушга чиқдим. 1985 йили оилам бузилиб туғилиб ўсган қишлоғимга қайтиб келдим. Шу ерда ишга жойлашдим. 1987 йили эса Бахтиёр исмли шахсга турмушга чиқдим. Ҳозир уч нафар фарзандимиз бор. Мени қизиқтирган нарса - паспорт масаласидир. Мен Тожикистонга турмушга чиққанимда паспортим ўша ерга рўйхатга қўйилган эди. Турмушим бузилиб қайтиб келганимда паспортимни рўйхатдан чиқариб келишга эътибор бермабман. 1994 йилдан эса паспорт алмаштириш ишлари бошланиб кетди. Мен шу йилнинг бошида туман ички ишлар бўлимининг паспорт бўлинмасига мурожаат этганимда улар менга паспортим алмаштириб берилмаслигини айтишди. Шундан кейин Тожикистонга бориб паспортимни ҳисобдан чиқариб келдим. Энди эса уни яшаш жойимга рўйхатга қўёлмаяпман. Наҳотки, бир йилгина яшаб Тожикистон фуқароси бўлиб қолсам. Нима қилай ? Менга маслаҳат беринг.

Шафоат ҲАҚҚУЛОВА,
Ховос тумани, Фарҳод-5 кўрғони

Сиз шу пайтгача Тожикистон ҳудудида рўйхатда тургансиз, шунинг учун Тожикистон давлати фуқароси ҳисоблангансиз. Шу билан бирга собиқ СССР намунасидаги паспортнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиш муддати 2000 йил 1 январдан бошлаб тўхтатилади.

Ана шу қолган қисқа муддат ичида сиз яшаш жойингиздаги ички ишлар органларига ариза билан мурожаат этишингиз лозим. Ички ишлар органи аризангизни кўриб чиққач, сизга фуқаролиги йўқ шахс учун бериладиган паспорт беради. Фуқаролик масаласи эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан сўнг ҳал этилади.

ХИЗМАТЧИ МАҲКУМ

Агар шахс жиноят содир этиб, суд унга шартли ҳукм жазоси белгиласа, лекин ана шу жазони ўташ вақтида ҳарбий хизматга чақирилса, у хизматни ўтайдими ёки йўқми?

К.ШАХОБИДДИНОВ, талаба. Андижон вилояти.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатлар билан бирга тегишли мудофаа ишлари бўлимига юборади. Маҳкум ҳарбий қисмга келиб тушгач, ҳарбий қисм (муассаса) кўмондонлиги ўн кун муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, ҳарбий хизматни тугатганидан кейин эса, у жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилади.

• *Касбини улуғ билганлар*

АЛИШЕРНИНГ ИШ ҚОИДАСИ



Алишер Комилов 1986 йилдан бери прокуратура идораларида фаолият кўрсатиб келади. 1999 йил май ойидан Фарғона вилоят прокурорининг ташкилий-назорат ва таҳлилот бўйича ёрдамчиси лавозимига тайинланди.

Фуқароларни қабул қилиш, келиб тушган ариза ва шикоятларнинг бўлимларга ўз вақтида етказилишида, туман, шаҳар прокуратура идораларига юборилган ариза ва шикоятларнинг ижобий ҳал этилишида унинг саъй-ҳаракатлари эътиборга лойиқдир.

А.Комиловнинг талабчанлиги туфайли шаҳар ва туман прокуратуралари томонидан ҳисоботларни компьютер асосида тайёрлаш ва тақдим қилиш йўлга қўйилди. Унинг ўз ишига маъсулият билан ёндошиш самарасини вилоят прокуратураси биносида ташкил этилган кўргазмаларда ҳам кўриш мумкин. «Бирорта ҳам ариза эътибордан четда қолмаслиги керак». Бу — Алишернинг иш қоидаси.

Феруза СИДДИҚОВА, «Адолат йўли» мухбири

• *Мушоҳада*

Вақтнинг моддий нарсаларга емирувчи куч билан таъсир этишини кўпчилик билади. Кўча-кўйда бир-бирига ниманидир исбот қилишга уринаётган ўспиринларнинг «ўлай агар» дея қасам ичаётганларини кўриб, амин бўламанки, қадимда залворли маънолар касб этган тушунчалар ҳам вақт ўтиши билан бугун анча ғариблашибди. Чунки, «ўлай агар» дея қасам ичар экан, бу ўша ўспиринларнинг ўлимни ҳеч писанд қилмасликларини эмас, қасамнинг кундалик ишлатиладиган сўзга айланиб қолганлигини билдиради. Онгимиздаги «ўғирлик» тушунчасига нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин.

ТАРСАКИ

Юртимизда атиги юз йил илгари «сен ўғрисан!» деган айблов кишининг бир қўлидан ажраши билан тенг эди. Бугун эса биз дунёга уйларимизнинг дераза-ларидаги панжаралар ортидан боқишга кўникиб қолдик. Наздимизда кўчада ўғрилар изғиб юришгандек...

Хўш, ўғирлик қачон пайдо бўлган ўзи? Бу хусусда ҳеч қайси манбада аниқ бир маълумот йўқ. Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, ўғирлик мавжуд дейишади. Ҳақиқатан ҳам ҳаётдан, тарихий-бадиий асарлардан бунга истаганча мисол келтириш мумкин.

Демак, саволни бошқача тарзда қўйиш керак: ўғирлик қачон пайдо бўлади?

Болалигимда бўлган бир воқеа эсимда қолган. Қишлоғимиз дашт жой эди. Оқар сув йўқ, демак, мева-чева ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Буни билган туман марказидагилар бозордан кўтара мева олиб, қишлоғимизга келтириб сотиб кетишарди. Унда мен мактабгаям бормайдиган олти-етти яшар бола эдим. Кўчада ўйнаб юрардик. Бир куни сотувчилардан бири «Москвичини «пе-пе»латиб қишлоқ марказидаги қудуқ ёнига келиб тўхтади. Болалар чуғурлашиб уни ўраб олди. Айримлар оналарини чақириб келишга югуришди. Менинг сабрим чидамай сотувчига яқинлашдим. Кексароқ киши эди, кўзини шамғалат қилиб битта олма олдимда, сўнг уйга югурдим. Қўлимдаги олмани кўриб онам:

- Қаердан олдинг? - деб сўради. Оғзимнинг таноби қочиб, сотувчидан ўғирлаб олганимни айтдим. Мақтов кутган эдим, акси бўлиб чиқди. Онам бир тарсаки урдида, индамай мева харид қилишга кетди. Ўшанда бу тарсакининг моҳиятини тушунмаганман, албатта. Кейинчалик улуғ ёзувчи Фёдор Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини ўқиб, бир ғалати ҳолга дуч келдим. Роман қаҳрамони Родион Раскольников - Петербург дорилфунуни талабаси, жуда қашшоқ, кўпинча икки- уч кунлаб оч қолиб кетади. Лекин негадир у шу ҳолига қарамай, қишлоқдан онаси юборган пулларни кўчадаги тиланчиларга бўлиб берар эди. Хорижий тиллардан ҳар хил асарларни таржима қиладиган, ўзи ҳам илмий мақолалар ёзиб турадиган Раскольников пойтахт журналларидан бирида бир мақола эълон қилади. Унда у жамиятдаги одамларни икки тоифага ажратади. Биринчиси - фавқулоддда ноёб қобилиятга эга бўлганлар. Улар ўз истеъдодларини рўёбга чиқариш учун ҳамма нарсага, ҳатто қонун-қоидаларни ҳам четлаб ўтиш, жиноят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Иккинчи тоифага Раскольников истеъдодсиз одамларни киритади. Улар ким қилаётган одамлар ўзларини ҳақ деб ҳисоблайдилар. Бу жиҳатдан, гарчи маънавиятларида ер билан осмончалик фарқ бўлса-да, Достоевскийнинг Раскольникови билан Қодирийнинг Ҳомидбойи тенгдир.

Ўғирлик эҳтиёждан келиб чиқар экан, у тўлиқ қондирилса йўқолар экан-да, деган фикр келиб чиқиши мумкин. Афсуски, амалда ундай эмас. Чунки, эҳтиёжларнинг чегараси йўқ, бизда бунга қарши фақат битта қурол - қаноат мавжуд, холос. Атрофга тафаккур назари билан қараган киши ўз нафси билан олишаётган одамларни кўради. Бу курашда кимдир енгади, кимдир енгилади. Енгилганлар ўзларига Раскольников фалсафасини дастак қилиб оладилар. Албатта, бу ўғирликнинг минг битта сабабларидан бири, холос. Ўғирликнинг ўзи ҳам минг турли: кимдир пул ўғирлайди, кимдир чет эл мусиқасини ўғирлаб, ўзбекча сўзлар билан қўшиқ айтаяпти, яна кимдир кимнингдир вақтини ўғирламоқда, яна...

Ҳурматли ўқувчи, Сизнингча ўғирлик қачон пайдо бўлади? Сиз бугун нимангизни ўғирлатиб қўйишдан қўрқасиз?

Ҳасан НИШОНОВ, журналист



Суратда: Қашқадарё вилояти, Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги дала шийпонида туман прокурори М.Пармонов ва вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Мадиевлар иштирокида хўжалик меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам асосий масала фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларига қаратилди.

• *Прокурор назорати*

ГАЗНИНГ ЎЗИ ЯХШИ-Ю

ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ЁМОНМИ?!

Шу йилнинг 19 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Ушбу ҳужжат кучга кирганига ҳам мана, тўрт ойдан ортиқ вақт бўлди. Хўш, унинг ижроси амалда қандай?



И.ЁРМУҲАМЕДОВ,
Пешку тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Бухоро вилояти, Пешку туман прокуратураси туман газлаштириш идорасида мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан текширув ўтказди.

Маълум бўлишича, корхона тумандаги 360 та хонадон ва 73 та муассаса ҳамда ташкилотни табиий газ билан таъминлаб келмоқда. Истеъмолчиларга доимий равишда «зангори олов» етказиб бериш борасида қатор чора-тадбирлар кўриляпти. Лекин, юзага келган муаммолар туфайли корхона кейинги вақтда иқтисодий қийинчиликлар гирдобига тушиб қолди. Муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг асосий сабаби эса дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласининг узил-кесил ҳал этилмаганидадир. Аниқланишича, шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра корхонанинг дебиторлик қарзлари 116 миллион 871 минг сўмни, кредиторлик қарзлари эса 1 миллион 345 минг сўмни ташкил этган.

Шунингдек, газлаштириш идораси томонидан корхона ва ташкилотларга етказиб берилган газ ҳақи учун ажратилган маблағлар мақсадсиз харажатларга сарфлаб юборилган. Бундай ноқонуний ҳаракатлар натижасида аҳолидан йиғилган тўловлар ҳам давлат хазинасига етиб бормаган. Газ тўлов дафтарчаларида қайд этилган суммалар идора ҳисобхонаси ҳужжатлари билан таққослаб кўрилганда, корхонанинг техник назоратчиси А.Ҳошимовнинг кирдикорлари фош бўлиб қолди. У бир неча фуқаролар томонидан тўланган 13700 сўмни идора хазинасига топширмадан, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Ушбу ҳолат юзасидан А.Ҳотамовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Текшириш давомида яна шу нарса аниқландики, айрим фуқаролар ҳам табиий газдан фойдаланишда қонунбузарликлар содир этганлар. Масалан, Ибн Сино жамоа хўжалигининг Хўжапон қишлоғида яшовчи Баҳриддин Ҳасанов ўз ҳовлисида тегишли идораларнинг рухсати бўлмаган ҳолда ғишт ишлаб чиқарадиган цех очиб, ғиштларни пиширишда юқори босимли газ қувуридан газ олиб, фойдаланиб келган. Бунинг натижасида туман газ идорасига 47583 сўм миқдорида зарар етказилган. Бу ҳолат юзасидан ҳам туман прокуратураси томонидан Б.Ҳасановга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан газлаштириш идорасига аҳолидан икки миллион икки юз минг сўмга яқин, корхона-ташкилотлардан бир миллион юз минг сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб берилди.

Текшириш якунига кўра, туман газлаштириш идорасида қайд этилган қонунбузарликлар, уларни бартараф этиш ва келгусида бунай ҳолларга йўл қўймаслик учун чора-тадбирлар белгилаш хусусида вилоят газлаштириш бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Шуни унутмаслик керакки, табиий газ ҳам битмас-туганмас эмас. Ундан ҳар биримиз оқилона фойдаланишимиз зарур.

• *Қилмиш-қидирмиш*

ҚЎШНИГА ХИЁНАТ

Абдукаримга кўпчилик ўртоқлари ҳавас қиларди. Гулдек фарзандлари «адаси келдингизми» деб кутиб оладиган турмуш ўртоғи бор эди. Аммо, унга кўз тегди.. Бахтнинг қадрига етмади. Ичкиликка рўжу қўйиб, ишга ҳам бормай қўйди. Хотинни ҳам «кўпчилик эркакларга теккан касал, бир куни ўзига келиб қолар», деб сабир қилиб юрди. Бироқ, Абдукарим ўзига келиш ўрнига ҳаддидан оша бошлади. Рўзғорга ул бул топиб келиш ўрнига ичиб олиб хотинига дўқ қилишга ўтди. Бир куни хотини гап қайтарган эди, уйдан ҳайдади. Турмуш ўртоғи ҳам тақдирига тан бериб иложини топа олмагач 3 фарзандни этаклаб уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Абдукарим учун ҳақиқат «озодлик» бошланди. Энг асосийси «асабимни бузадиган хотиним йўқ. Энди хоҳлаганча ялло қилиш мумкин» деб ўйлаб топганини яна нималарга бўлди. Ҳатто кўни-қўшнилардан тап тортмай ўзининг уйига бегона аёлларни олиб келиш одатни чиқарди. Маишат учун эса пул керак. Тканиш билишлари ҳам Абдукаримнинг ичишини билиб у билан салом-аликни йиғиштирганди. Ҳатто қарз ҳам бермай қўйди. Шу йилнинг 6 июнь куни одатдагидан роса ичди. Кўнгли яна яримта истаб қолди. Пул эса йўқ. Ташқарига чиқиши билан кўзи қўшнисининг эшигига тушди-ю, фикри бузилди. Сўнг йўталиб «ким бор?» деб овоз чиқарди. Садо чиқмагач у ёқ бу ёққа яна бир разим солган бўлди-ю, ҳеч кимнинг йўқлигига тўлиқишонч ҳосил қилгач, қўшнисининг айвонига ўтди-да деразадан ичкарига кириб, стол устидаги тикув машинасини, болалар ўйинчоғи ва дазмолни ўз уйига зудлик билан ўтказиб кўйди. Қилган ишидан кўнгли тўлмади шекилли, сўнг яна қўшнисиникига қайтиб кириб «ревизия»-ни бошлади. Уйдаги сандиқлар бирма-бир текширилди. Кўп ўтмай қўшнисининг уйидаги жами 50869 сўмлик молларини ўзининг уйига ўтказиб қўя қолди.

...М.Кенгашева уйининг эшигини очди-ю, ҳангу-манг бўлиб қолди. Уйнинг эшиги ёпиқ, кимдир айвондан хонадонига кирибди. У зудлик билан участка инспекторига уйига ўғри тушгани тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Ушбу жиноятни очиш учун кўп меҳнат сарфланмади. «М.Кенгашеванинг уйига фақат Абдукаримнинг айвони орқали ўтиш мумкин» деган тахминлар тўғри чиқди.

«Қолаверса Абдукаримнинг оёқ олишлари ҳам бошқача бўлиб қолган» деган кўни-қўшниларнинг гаплари тўғри чиқди.Холислар билан текширилганда М.Кенгашеванинг буюмлари Абдукаримнинг уйидан топилди. Абдукарим ўғирлик молларини ҳали сотишга улгурмаган экан.

Яқинда ушбу жиноят иши Бектемир туман судида кўриб чиқилди. Сўнгги сўз Абдукарим Тулябоевга берилганда у ўз айбига қисман иқрор бўлиб, жиноятни маст ҳолатда содир қилганлигини айтиб суддан енгиллик беришини сўради. Суд Абдукарим Тулябоевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топиб 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. 7 йил айтишга осон. Бугун кўп нарсаларни англамаган Абдукаримнинг фарзандлари етти йилдан сўнг отасини кечирармикин?

Судга Абдукаримнинг турмуш ўртоғи Н.Тўлябаева ҳам таклиф қилинди. У эри билан 1999 йилнинг 8 мартидан буён яшамаслигини айтган. У турмуш ўртоғининг ичкиликка ружу қўйиб, енгил табиатли аёллар билан «юриши»дан нолиган.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтмоқчимизки, бир пайтлар ҳамма ҳавас қилган бу оиланинг бугунга келиб барбод бўлишида кўни-қўшни ва маҳалла аҳли ҳам айбдор деб ўйлайман. Агар улар ақл билан иш юритишганда 3 нафар бегуноҳ бола отасиз, бечора она эридан қалтак еб ўз уйидан ҳайдалмаган, энг асосийси Абдукаримнинг жиноят йўлига киришидан асраб қолинарди. Бу ҳақда кўп ёзиш мумкин. Энг яхшиси хулосани ҳар кимнинг ўзи чиқарсин.

Азамат ҲАЛИМОВ,
Бектемир туман прокуратураси иш ўрганувчиси

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХИТОЙ КОСМИК КЕМАСИ

Хитой ўзининг биринчи космик кемасини муваффақият билан учиришга эришди. «Шеньчжоу» деб аталган мазкур космик аппарат хитой тилидан таржима қилинганда «Худо кемаси» деган маънони беради. У ер атрофини 21 соат ичида 14 марта айланиб чиқишга улгурди. Шундан сўнг у Монголия ҳудудига кўнди. Хитойлик ва чет давлатлар экспертларининг фикрича, бу оламшумул воқеа Хитойни дунёнинг космик қудратга эга бўлган давлатлари қаторига қўшишга сабаб бўлади.

DELL ТЎХТАБ ҚОЛДИ

DELL корпорацияси вирус сабабли тўхтаб қолди. Янги вирус OC Windows 95, Windows 98 ва Windows NT компьютерларига таъсир қилган. Унинг хавфли томони шундаки, масалан, Windows NTда дискда сақлаштириб қўйилган барча маълумотларга шу компьютердан фойдаланувчи одам бемалол кириш имконини беради.

• *Иқтисод одоби — замон талаби*

БИРИ БОШЛАДИ

БОШҚАЛАР УНДАН «ЎРНАК» ОЛИШДИ

Мустафоқул Маматқулов ТошДУ юридик факультетини 1985 йилда тугатган. Самарқанд вилоят прокуратурасида турли вазифаларда ишлаган. Шу йил баҳорида Пахтачи туман прокурори этиб тайинланган.



Фикримни қоғозга туширишдан олдин бир ривоятни эсга олишни афзал кўрдим. Ноқобил ака-укалар бир куни томорқа устида ўзаро жанжаллашиб қолишибди.

- Бу атроф ерлар менга тегишли! - дер эмиш акаси девор ёнидаги майдонларни кўрсатиб.

- Бекор айтибсан, бу ерлар меники! - талаша бошлабди укаси ҳам бўш келмай.

Шунда она Ер тилга кириб нидо қилибди:

- Янглишдингиз, мен Сизларга тегишли эмасман. Аксинча, ҳар иккингиз ҳам меникисизлар.

Қиссадан ҳисса шуки, иқтисод одоби бу замон талаби - шу куннинг талабидир. Жонажон ер бағрида тинч-фаровон яшар эканмиз, жамоа ва ватан манфаатларини ўз манфаатимиздан паст кўрмаслигимиз, борлиқнинг мавжуд ижтимоий қоидаларига риоя қилиб яшашга ўрганмоғимиз лозим.

Яқинда туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида Қ.Ражабов номли жамоа хўжалигида Ер Кодекси талабларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжалик ҳудудида ердан фойдаланиш қоидалари жиддий равишда бузилиб келинган.

Жамоа хўжалигининг 9- ва 11-бригадалари оралиқ ҳудудидан ўтувчи, давлат аҳамиятига молик бўлган Зирабулоқ ЛПУМГга қарашли газ трубалари ўтган муҳофаза ҳудудидан ўзбошимча «тадбиркорлар» рухсатсиз фойдаланиб келганлар.

Жамоа хўжалигининг 8-бригадасида яшовчи Тўхтамурод Раҳимов текин бўлса, беш бармоғини оғзига тиқадиган кўзи билан боқувчи валламатлар ҳам анча-мунча кўпайиб қолди. Икром Шодиев, Боймурод Шодиев, Хўжа Рустамов, Шайман Ҳакимов, Эшботир Тошботиров, Эшқобил Худойқулов, Сайраҳмад Ҳусаинов, Ромил Ҳасанов каби яна ўнлаб фуқаролар муҳофаза майдонларини бамисоли отамероскет 15-30 сотихдан бўлиб олишиб, ғалла ва бошқа экинлар экиб келишган.

Қонун эрқаликни ёқтирмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган фуқароларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Саховатнинг зидди бахиллик бўлгани каби, нораволикнинг зидди инсофдир. Мени яна бир нарса ташвишга солиб келади. Кўпинча мустақил юртимиз учун ҳар томонлама етук, билимдон ва зукко келажак ворисларини тарбиялашни муҳим омиллар қаторида эслаймиз. Аммо айтингчи, севикли ёшларимиз биз, катталарнинг юқорида зикр этиб ўтилган каби ўзбошимчалик ва талон-тарож йўлидаги «ибратларимиз»ни қандай баҳолашар эканлар?

Мустафоқул МАМАТҚУЛОВ,
Пахтачи туман прокурори

• *Афсус!*

Уни шайтон йўлдан урди. Йўқ, йўқ... у содир этган мудҳиш жиноят ҳатто шайтоннинг ҳам қўлидан келмаса керак. Негадир биз инсонлар қилган, қилаётган гуноҳ ишларимизга ҳамиша шайтоннинг васвасасини сабаб, деб биламиз. Барча айбни унинг гарданига ағдарамиз. Аслида-чи, аслида баъзан Оллоҳ азиз ва мукаррам қилган инсон ўз қилмиши билан ҳатто шайтонни ҳам йўлда қолдириб кетади.

«ЎТИРДИК, ЕДИК-ИЧДИК, КЕТДИК» КЕЙИНЧИ? КЕЙИН...

Пўлатбек Галя билан бир ёстиққа бош қўйишганида иккиси ҳам олам-олам орзулар қилишган эди. Фарзандлари Дилшод ва Дилдоралар ҳам ана шу орзулар меваси мисол дунёга келишганди. Ҳартугул, турмушлари ҳам ёмон эмасди. Бироқ кўп ўтмай Пўлатбекнинг ичкиликка ружу қўйиши оилада тез-тез жанжаллар бўлиб туришига сабаб бўла бошлади. У кун ора уйига маст ҳолда келар, бунинг оқибатида хотини билан жанжал чиқариб уни калтаклар эди. Баъзан бу жанжаллар энди ақлини таниб қолган мурғак гўдакларнинг кўз ўнгида содир бўлар эди.

Кунлар шу зайл ўтаверди. Ана шундай кунларнинг бирида ўғиллари Дилшоднинг туғилган кунини нишонлаш мақсадида оилага яқин таништар таклиф этилди. Пўлатбек эрта тонгдан ўғлини олиб бозорга кетди.

Тушдан сўнг бозордан қайтган Пўлатбек хотинини дўконга чиқиб ароқ олиб келишга жўнатди. Галя қизи Дилдорани олиб дўконга чиқиб кетишди. Йўл-йўлакай туғилган кун муносабати билан ўтказиладиган зиёфатга эрининг акаси ва унинг хотинини, қўшнилари Лазокат ҳамда унинг опаси Наргизани ҳам таклиф этди.

Кун ботиб борарди. Меҳмонлар келишига анча бор. Пўлатбек ва хотини ароқнинг биттасини очиб, биргаликда ичиб олишди...

Меҳмонлар бирин-кетин қора тортиб кела бошлашди. Зиёфат қизигандан қизиди. Зиёфатнинг сабабчиси Дилшоднинг шаънига қадаҳ сўзлар айтилди. Ҳатто Пўлатбек ва Галяга «битмас-туганмас» бахт тилашди. Аммо ана шу бахтнинг бу оиладан аллақачон юз ўгирганини улар билишармиди? Хабарлари бормиди? Афсуски, ҳа. Фақат одатда қадаҳ сўзи шундай бўлиши кераклиги учунгина ваъз айтишарди, холос.

Зиёфат авжига чиққан пайтда маст бўлиб қолган Галя эрини қўшниси Лазокатни қучоқлаб олганликда айблаб жанжал чиқарди. Пўлатбек уни тинчитиш мақсадида ичкари уйлардан бирига олиб кириб кетди. Бироқ Галя тинчланиш ўрнига баттар авжига чиқарди. Сабр косаси тўлган Пўлатбек унинг юзига бир неча марта мушт туширди. Тирсаги билан кўкрак қисмига урди. Шундан сўнг Галя ўзини билмай йиқилиб қолди.

Пўлатбек меҳмонлар олдига чиққанда, улар кетишга чоғланишган эди. Уларни кузатиб қайтгач, Галя ётган уйга кириб, уни ўрнидан туришга ундади. Оёғида зўрға турган Пўлатбек, қандайдир 5000 сўм пулни талаб қиларди. Галя ҳеч қандай пулни билмаслигини айтиб, қаршилик кўрсатарди. Ароқнинг кучидан шер бўлиб кетган эр эса тинимсиз бўралаб сўкинар, унинг юзига, бошига тўхтовсиз мушт туширар эди. Бунинг оқибатида мажолсиз қолган хотинини етаклаб, уйлари олдидан оқиб ўтувчи «Рамадон» канали бўйига олиб борди.

- Сўнги марта сўраяпман, пуллар қани? - ўшқирди Пўлатбек.

Галядан ҳеч қандай жавоб олмагач, уни бўға бошлади. Бу воқеани уларнинг фарзандлари Дилдора билан Дилшод кўзларида ёш билан кузатиб туришарди. Отасининг бу қадар тубанлашганини, онасининг ожизлигини кўриб, болакайларнинг жажжи қалбларини қўрқув аралаш ҳайрат эгаллаганди.

- Йўқолларинг, бу ердан. Жўна уйга, - отасининг ғазаб билан айтган ушбу сўзларидан икки мурғак гўдак бир сесканди. Улар йиғлаганча уйга кириб кетишди.

Пўлатбек эса Галяни бўғишни давом эттирди. Сал ўтмай Галя қаршилик кўрсатмай қўйди. Хотинининг жимиб қолганини сезган Пўлатбек уни ўлди, деб ўйлаб, жиноятини яшириш мақсадида устидаги кийимларини бутунлай ечиб олиб, сувга итариб юборади...

Олган оғир тан жароҳатлари, нафас йўлларининг сув билан тўсилиши натижасида Галя вафот этди. Илк висол оқшомида ният қилинган ширин орзуларни «Рамадон» тўлқинлари ўз бағрига олди.

Ушбу жиноятни фош этиш учун ўнлаб тахминлар ишлаб чиқилди. Гувоҳлар билан суҳбатлар ўтказилди. Қўни-қўшнилардан эр-хотиннинг муносабатлари, оилавий аҳволи тўғрисида суриштирув ишлари олиб борилди. Айниқса, туман прокуратураси терговчиси А.Раҳимовнинг ушбу жиноятни очишдаги хизматлари катта бўлди. Ёш терговчининг синчковлиги, жиноят ишидаги ҳар бир детални пухта ўрганганлиги мудҳиш жиноятнинг тезкорлик билан очилишига замин яратди.

Эътибор берган бўлсангиз бу фожеанинг сабабчиси ҳам «оқ оғу» - ароқ бўлди. Эр ҳам, хотин ҳам маълум маънода ароқнинг қурбонига айланишди. Жаҳолат ботқоғига ботган Пўлатбек муқаддам икки бор судланишга улгурган эди. Аммо «букрни гўр тузатади», деган нақл бежиз айтилмаган экан. У ўз хатосини англаб етмади. Хулоса чиқармади. Оқибатда эса ҳали ҳаётга энгигина ўрмалаб кириб келаётган мурғак гўдакларининг кўз олдида уларни она меҳри каби буюк неъматдан маҳрум этди.

Энди бу гўдаклар вақти келиб, унинг ўзини оталик ҳуқуқидан маҳрум этмайди, деб ким кафолат беради.

Биз юқорида бу оиладан бахтнинг юз ўгирганидан бошқалар хабардормиди, деган савол қўйгандик. Ушбу жиноят иши бўйича ўтказилган сўровларда зиёфатда иштирок этганлар уларнинг олдин ҳам жанжаллашиб туришини билишларини айтишган. Ҳатто баъзилари «ўтирдик, едик-ичдик, кетдик»дан нарига ўтишмади. Ҳа, ана шундай, биз одатда «ўтирамиз, еймизичамиз, кетамиз». Аммо ҳеч қайсимиз бугун яқинимиз, қўшнимизнинг уйида нима бўлаяпти, дея қизиқмаймиз. Аралашишни хоҳламаймиз. Фақат яхши кунлардагина ҳол сўрашга ўрганиб қолганмиз. Баъзан шуни ҳам ўрнига қўёлмаймиз.

Гапнинг сираси бугун қўни-қўшни, маҳалла-кўй ўзлари яшаётган жойдаги ҳар қандай муаммога бефарқ бўлар экан, юқоридагидек фожеалар яна такрор содир этилаверади.

Фарҳод РАҲМОНОВ,
Зангиота тумани
прокурори ёрдамчиси

• *Жиноят ва жазо*

ОНАХОН НЕГА САРСОН БЎЛДИ?

ЁКИ ПОРАХЎР «БЕР» ДЕСА БЕРАВЕРИШ КЕРАКМИ?

Пора-муаммолар олдида қўндаланг бўлиб турадиган, ҳаром луқмани мақруҳ билмайдиган кимсалар томонидан талаб қилиб олинадиган «совға». Қарийб бир асрлик истибдод даврида олдан урчиган бу офатнинг илдизи қуриймикан? Эски тузумдан қолган кишилар онгидаги ҳар бир ишни «пора» ҳал қилади, деган фикрни инкор қилиш осонмикан? Мактаб партасидан узоқлашаётган ўсмирни талаба бўлишидан олдин довдиратадиган ҳам шу сўз. Ҳаёти қил устида турган беморни титратадиган ҳам шу сўз.

Пора сўрамасмикан? Бу савол, бу ҳадик қай бир юракни алам билан ялаб ўтмаган дейсиз. Бундай ҳолларда ана, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилсин. Улар зулмга, адолатсизликка, порахўрликка қарши курашади, дейилиши табиий. Тўғри, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фидойи ходимлари туфайли порахўрлар, юлғичлар қўлга олинмоқда. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, адолат яловини кўтариш лозим бўлган баъзи маъсул шахслар ҳам порани ёқтиришса, нима дейсиз. Бечора чора истар... деб шунга айтадилар-да. Қуйида шу мавзуни қаламга олдик.

***

Бодом опа бекатдаги ўриндиққа ўтирганча хаёлга толди. Саратон қуёши унинг миясигача қиздирар, кўз ўнгидан ўғли Фахриддин нари кетмасди.

«Фахриддинжон, бўталоғим, нима қилиб қўйдинг? 48 та қўй кам чиқмай ўлсин. 48 та қўйни қаерга кетди, деб сўраганларнинг биттаси 100 та қўйнинг пулини ейишга тайёр экан-ку? Бунча иштаҳаси карнай бўлмаса. Бу таъмагир туфайли ҳаётинг издан чиқади, деб кўркаман. Штраф солишса, эрта-ю, кеч тинмай меҳнат қилиб узардик. Бу нима кўргулик?! Жиноятга қарши курашаётганлар жиноят қилиб ўтиришса?! Бугун ке, эрта ке, индин ке. Бир ҳукмни ўқиш учун 2 ой сарсон қилишди-я. Бер, бер, деб уч марта пул олди. Яна 50 мингни қаердан топай? Қайга бош урай? Воҳ, болама, ким билади, қорнинг очгандир, бирор жойинг оғриётгандир? Қаердан топсам бу савилни».

У шу хаёллар билан уйига қайтди. Тун тонг билан алишди ҳамки, она ухлолмади. Тиканнинг устига ётгандек тонг оттирди. Бу гал нонушта пайти Бодом опа ҳар сафаргидек Фахриддиннинг бўш турган пиёласига қараб йиғламади. Онаизор бу тонг сўнгсиз хаёлларига зарба берган ва ҳаётнинг ҳар қандай зарбасига ҳам тайёр эди.

***

Икки ойдан буён бўзчининг, мокисидек туман судига қатнаётган аёл бу сафар йўлини бошқа қилди.

Она суд давомида ўғлининг озодликдан маҳрум этилмай, очиқда қолдирилиши мумкинлигини сезган эди. Қайси она фарзанди тақдирига бефарқ қарайди. У жазонинг енгиллаштирилишини сўраб, туман суди раисига кўп борди. Натижа бўлмай ҳукм ўқилиши борган сайин пайсалга солинаверди. Пайсалга солинаётган иш эса ўз соҳиби наминидир таъма қилаётганидан дарак беради. Аёл тушунди. Бу ҳақда болалигидан буён эшитавериб пишиб кетган. Суд раисининг шофёрига укаси Юсуф орқали йиққан-терган пулига қўни-қўшни, қариндош-уруғдан олган қарзини қўшиб, 75 минг пул берди. Бу пул оқни оқ, қорани қора деб ҳукм чиқарувчи туман суди раиси қўлига тегди. Аёл уч - марта жами 115 минг сўм пулни «бер, бер» деб ўрганган қозига тутди. Лекин фарзандининг иши аросатда қолаверди.

***

Тегишли жойга мурожаат қилиш учун кетаётган Бодом опа суд раиси билан бўлган сўнгги суҳбатини эслади.

- Қачон ҳукм ўқийсиз? Ахир, болам ҳам, мен ҳам, уйдагилар ҳам қийналиб кетдик?

- Ўқиймиз. Бугун отчёт ёздик. Тўғриси, етмаяпти.

- Нега? Ахир, берганимни тўлиқ олдингизми?

- Олдим. Тўлиқ олдим. Кейинги шанба келинг, албатта ўқиймиз. Битта чўпонлардан бирининг ишини тугатишим керак. Ўғлингизни ишини кўраман. Шанба куни келинг.

Шанбалар келаверди. Лекин ҳукм ўқилмади. Бодом опа, қози «яна 50 минг пул етмаяпти» деганидан сўнг жиғибийрони чиқди. «Яна 50 минг, қаердан топаман?» Бу савол жавобсиз қолди. Шу боис аёл бир қарорга келди. Ички ишлар бўлимига учрашиб, ариза берди. Кўп ўтмай, порахўр тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди.

Яккабоғ тумани суди раиси Адина Шоймардонов пора билан қўлга тушибди, деган хабардан ҳеч ким ажабланмади. «Емоқнинг қусмоғи бор», деганларидек одиллиқни унутган, нафсини тияолмаган, «Бер бер»дан бошқа гапни айтмай қўйган бу қозининг қонун олдида, эли юрт олдида юзи шувут бўлди.

- Аслида «бер» деса бераверибди, ўзимиз ёмон ўргатар эканмиз, - дейди Бодом опа саргардон бўлган кунларини эслаб. Ҳар қалай, кеч бўлса ҳам тўғри қарорга келганим яхши бўлди. Битта юлғич камайди. Содда бўлмай кетай, олиб кел деса, индамай олиб бораверибман-а...

Азиз муштарий! Муддаомиз ушбу воқеадан огоҳ бўлиш билан бирга «Замон зўрники» қабилида иш кўрадиганларнинг танобини тортиб қўядиган қонун борлигини, сиз ва биз бундай ҳолатларга бефарқ бўлмаслигимиз лозимлигини таъкидлашдир.

Мирза КАРИМОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратурасининг бўлим бошлиғи,
Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Адолат кучи»нинг махсус мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТОКИО. Япон ҳарбий самолётининг муваффақиятсиз машқлари натижасида электр узатгич линияларига шикаст етган. Оқибатда, Токионинг марказий қисми электр энергиясиз қолган. Бир қатор марказий муассасаларда иш тўхтатилган, 500 та светофор ишдан чиққан.

АФҒОНИСТОН. Толибон афғон ҳаракатининг раҳбари Мулла Муҳаммад Умар АҚШ билан халқаро террорист Усан бен Ладенни ушлаб бериш тўғрисида ҳеч қандай келишув бўлмаслигини айтган.

ЮГОСЛАВИЯ. Ўн кун олдин БМТ самолётининг Косовода портлаганидан сўнг бу ерга бироната ҳам самолёт кўнгани йўқ. KFOR кўмондонлиги барча турдаги самолётларга, шунингдек, гуманитар юк билан келаётган самолётларнинг ҳам Приштина аэропортига кўнишини таъқиқлаб қўйди.

МЕКСИКА. Мексика ҳукуматининг хабар беришича, 1999 йилнинг ўтган даври мобайнида АҚШ билан бўлган чегарани ноқонуний равишда бузиб ўтиш пайтида 300 та мексикалик отиб ўлдирилган.

ТОЖИКИСТОН. Мамлакат ҳукумати янги сайланган далат раҳбари олдида ўз ваколатларини топширишга тайёргарлик кўрмоқда. Тахминларга кўра, бу 23-24 ноябрь кунлари амалга ошиши кутилмоқда.

ҲИНДИСТОН. Ҳиндистон ҳукумати бошлиғи Аталбеҳари Важпайнинг таъкидлашича, ҳукумат Покистон давлати билан фақатгина қўйилган талаб доирасидаги шарт-шароитлар яратилган тақдирдагина ўзаро келишув шартномасини имзолаши мумкин.

РОССИЯ. Мамлакат мудофаа вазирлигидан тарқатилган хабарга кўра федераль кучлар декабрь ойининг охиригача Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларни тугаллашни режалаштирган.

• *Ҳажвия*

БУРУНГИ САЙЛОВЛАР

БУ ВОҚЕА ШЎРОЛАР ДАВРИНИНГ ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАНДИ

Кечқурун ёзги кинотеатрда мажлис бўлармиш, деган гап маҳаллага яшин тезлигида бўлмасаям ҳайтовур, зумда тарқалди. Мажлис деса уйқуси келадиган Пошша момо йиғилишдан кейин сотиладиган чой, шакар, қолаверса, бепул қўйиладиган ҳинд киносининг дарагини эшитиб, келинларига уйидан бир қадам нарига жилмасликни буюрди-да, не-не бозорларни кўрган эски тўрвасини олиб, саксовул шохидан ясалган эгри ҳассасини дўқиллатганича кинотеатр томон йўл олди.

- Ҳай, ўғлим,индийский кино кўярмишми? Раж Копирни қўйса керак-а?! - деди у ўтиб бораётган йигитга.

- Копир эмас, Капур денг, эна!

- Копирми, мусулмонми, барибир эмасми, кинода ўйнаса бўлди-да!

Кинотеатр олдида одамлар тўпланишиб туришар, ўрта яшар аёл билан ёшгина йигит уларни рўйхатдан ўтказиб ичкарига киритарди. Пошша момо тўппа-тўғри ичкарига кириб бораётганди, қалиги йигит қичқирди:

- Момо, отингизни, туғилган йилингизни айтиб ўтинг!

- Пошша момонгман, айланай. Туғилган йилимни яратган эгамнинг ўзи билмаса бандасининг хабари йўқ, ҳали ёшроқ, деб ёзиб қўяверда!

Кинотеатр деярли одамга тўлганди. Пошша момо олдинроқдаги бўш ўринга бориб ўтирди. Саҳнада бир артист фақат доира жўрлигида қўшиқ айтарди:

Онам кетди, отам кетди,
Энди навбат менга етди...

Кимдир луқма ташлади:

- Депутатликка номзод сайлагунча кетмай тур, бир овоз етмай қолиши мумкин!

- Тўғри, - унинг гапини маъқуллади Пошша момо, - Раж Копир бошлангунча сен айтиб тур, кетиб қаёққаям борардинг!

Саҳнага стол-стулларни чиқариб бир қатор қилиб териб чиқаётган пакана киши орқасига ўгирилди-да, бирдан қарсак чала бошлади. Нимага чалаётганини билмаса ҳам бир неча киши унга қўшилди. Орқадан қорин қўйган уч-тўрт киши савлат тўкиб кириб келишди. Қарсакни зўр бериб чалаётган пакана артистга бўлди, дегандек қўлини силкиди. Ҳалиги қорин қўйганлар стулларга жойлашиб ўтириб олишди. Ўртада ўтиргани вазмин гап бошлади:

- Ўртоқлар... Ўртоқлар,- деди у сўзини қайтариб. - Ўрни бўшаб қолган... га...округидан сайланган депутат ўрнига номзод кўрсатиш мажлисини очиқ деб эълон қиламан! Бу ерга уч юздан ортиқ одам тўпланибди, энди қонун бўйича номзод кўрсатишга мажбурмиз. Ҳамма рўйхатдан ўтган. Ўзларингизга маълум, мажлисда президиум деган бўлади, унинг аъзолари сайланади. Биз бир гуруҳ ўртоқлар (ёнида ўтирганларни кўрсатади) келишган ҳолда қуйидагиларни аъзоликка сайладик (у рўйхатни ўқийди). У билан кириб келган, теварагидан жой олган ҳамроҳлари бирин-кетин ўринларидан туриб ўзларини таништиришди.

- Хўш, -деди нотиқ рўйхатни ўқиб бўлгач, - Қаршилар йўқми, ундай бўлса номзод кўрсатсак. Биз бир гуруҳ ўртоқлар (яна ёнидагиларни кўрсатади) келишган ҳолда бу ўринга...вични лойиқ деб топдик. Бу кишини сизларга таништириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, номзодни мендан ҳам яхшироқ танийсизлар. Қаршилар, бетарафлар йўқ. Энди сўзни номзоднинг болалик дўсти ҳурматли...вичга берсак, марҳамат.

- Аввалambор, менинг дўстимни номзодликка кўрсатганингиз учун раҳмат, мен буни унутмайман! Номзод билан бирга ўйнаб, бирга ўсганмиз...Хуллас, сайлов куни ҳам унга овоз берасизлар...

- Энди сўзни номзоднинг жиянлари, ҳаммамиз учун азиз бўлган, қадрли...вичга берсак. Ён қўшниси сўзга тайёрланиб турсин!

Ўртада ўтирган бир-иккита одам қўлини кўтарди. Мажлисни олиб бораётган киши уларни огоҳлантирди:

- Айтиб қўяй, рўйхатда йўқ одамларга сўз берилмайди. Йўқ, гапирмасам бўлмайди, дейдиганлар бўлса келиб рўйхатга ёзилсин...

Пошша момо узундан-узоқ маърузага тоқати-тоқ бўлди, шекилли, ўтирган жойида қичқирди:

- Ҳай, болам! Тўхтат мажлисингни, номзодингга рози бўлдик-ку. Мен иккала қўлимни кўтаришим мумкин. Мана (у иккала қўлини юқорига кўтаради) қаршилар йўқми? Ана, йўқ экан, мажлисингни ёпаверсанг ҳам бўлади!

Яна бир-иккита одам сўзга чиқиб номзоднинг етти пуштидан тортиб бўлажак авлодигача роса мақтадилар-да, шу билан номзод «сайлаш» мажлиси тугади. Одамлар чиқиб кета бошлади. Пошша момо бетоқатланиб қичқирди:

- Хов, қаёққа? Кино кўрмайсизларми, шакар олмайсизларми? Ҳай, Санамжон, Раж Копирни кўрмай қаёққа кетяпсан, тўхта!

Момо эшик олдида рўйхат ёзиб ўтирган болага ёпиша кетди:

- Ҳой, бола, кинонгни қўймайсанми? Сотадиган чойинг қани, шакар қани?

-Момо, ҳали қоронғи тушишига икки соат вақт бор, кундуз куни кино кўринадими? Қоронғи тушгандан кейин келинг, патта олиб бемалол кўраверасиз. Чой билан шакарни маҳалла дўконидан очерт етса оласиз, мана очертни ёзиб қўйдим.

- Ҳали Пошша момонгни лақиллатмоқчи бўлдиларингми?! Алданиб бўпман! Сайлов куни келсин биттангга ҳам овоз бермайман! Илоё номзод кўрсатган иккала қўлим синсин. Қараб турларинг, ўзимнинг овозим тугул, келинларимнинг ҳам овозини бердиртирмайман. Патта олиб бемалол кирасан эмиш. Патта олсам иккала қўлимни бекорга кўтардимми?! Номзодингга қаршиман, шундай деб ёзиб қўй.

Пошша момо «исписка» ёзиб ўтирган ҳалиги йигитни ҳассаси билан бир туширмоқчи эди-ю, лекин шайтонга ҳай берди...

М. ЖАПАҚОВ,
Хоразм вилояти



Мўъжизалар яратар инсон...

• *Бир жиноят тафсилоти*

Людмила ишдан чиқиб, одатдагидек турмуш ўртоғи Григорийни кутди. Келмади. «Машинаси бузилиб қолган бўлса керак» - хаёлидан ўтказди. Таксига қўл кўтарди.

Эшигини очди-ю, юраги қинидан чиқиб кетди. Ҳамма нарса тартибсиз, эри қўли боғланган ҳолда ётар, боши қон, юзи яхтак бўлиб қолган эди.

***

Альфред машинасини тузатаётганда икки йигит ёнига келди. Бири қоп-қора, иккинчиси эса бунинг тамомила акси эди.

- Бир жойдан арақ олиб келишимиз керак, ёрдам қилинг. Иккитаси сизники бўлади.

- Узоқ эмасми?

- Узоқ эмас. Бу ҳам бирга боради(ҳамроҳини кўрсатди).

Альфред машинани ҳайдади. Анча юришгач, йигитлар унинг елкасидан туртди:

- Туш машинадан!

- Нима гап?

У машинани тўхтатишга улгурмаёқ, йўловчи юзи аралаш мушт туширди. Машинадан судраб тушириб, ерга ағанатиб тепишди. Сариқ юзлиги ёнидан пичоқ чиқариб, машина хавфсизлик қайишларини шарт-шарт кесиб олди. Биргалашиб Альфреднинг қўл-оёқларини боғлашди. Кўтариб машина юкхонасига тиқишди-ю, қарсиллатиб ёпишди.

«САРИҚ» ВА «ҚОРА»НИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

Альфред димиқиб, гўё ўзини ажал комида кетаётгандек ҳис қиларди. Машина тўхтади. Юкхона очилди. Дарё кирғоғи. Сув тўлқинланиб оқарди.

- Машинани сотасанми ё шундай берасанми?

- Сотмайман...

- Демак, текин берасан.

- Текинга ҳам бермайман.

Кўтариб сувга отишди. «Сариқ» сувга тушиб, Альфреднинг сочидан ушлаб, пастга босди. Нафаси қайтиб типирчилайвергач, бошини кўтарди.

- Қалай энди?

- Майли, машинани олинглар.

Кимнингдир қораси кўринди. Улар югуриб машинага минишди-ю, жўнаб қолишди. Альфред бошини кўтариб, кирғоққа интилди. Сув кўкрагидан келарди. Бир амаллаб қўлини бўшатди, қайишни алам билан сувга улоқтирди.

Ярим тунда уйига етиб келди. Укаси билан бирга милицияга хабор бергани кетишди.

***

- Григорий ака, бир ташкилотдан иккита аккумлятор гаплашдим. Шуларни иккига бўлиб, тўртта кичик аккумлятор ясаб берсангиз, ярми сизники бўлади.

- Есть.

- Кетдикми?

- Кетдик.

Григорий машинани ҳайдади. Қарши бош каналига етгач, «Қора» машинани тўхтаттирди.

- Сигарета олай, ҳозир келаман.

У келавермагач, тоқати тоқ бўлган Григорий кетмоқчи бўлди. Аммо машинанинг калити жойида йўқ эди. «Прямой» қилиб ҳайдаб кетди.

Зимин машина қулфини алмаштираётганда, қизи келиб қолди.

- Пап, нима бўлди?

- Калитни ўғирлаб кетишибди.

- Рангинг ўчганми?

- Йўқ, қизим, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

***

Маҳмуд Григорийнинг машинасига кўзи тушди-ю, «энди олиб кетганим бўлсин» деб қўйди. Калитни суқиб кўрди, тушмади. «Вой, занғар-ей, дарров замокни ҳам алмаштириб олибди». Режаси амалга ошмагач, отдошининг олдига борди. Икковлари жасоратни ошириш учун қиттай-қиттай олишди.

- Отдош, бир қаҳрамонлик қиласиз...

- Сиз биланми? - деди қошларини чимириб «Сариқ».

- Албатта-да...

Улар кўп қаватли уйнинг ёнига келишди.

- Қани, отдош, эшикни тақиллатинг. Очганидан удар қиласиз. У ёғини ўзимга қўйиб беринг.

- Нима, бир инвалидни эплолмайди, дейсанми?

Шеригидан кўнгли тўлган «Қора» мийиғида кулиб қўйди.

Эшик очилди. Мушт зарбидан йиқилган Григорийнинг оғзини маҳкам беркитишди. Стол устида турган мис кўзача билан бошига туширишди.

Бир неча жиноятни содир этган жиноий гуруҳнинг барча қилмишлари фош этилди. Қабиҳ ишлар бошида турган Маҳмуд Раҳимбердиев олий жазога ҳукм этилди. Қолганлари ҳам оғир жазодан «бенасиб» қолмадилар. Зеро, дили, нияти қора кимсаларнинг одил судлов ва эл олдида юзлари қаро бўлгусидир.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси.
Довуд МАҲДИЙ, ҳуқуқшунос

• Дил изҳори



БАХТНИ СОҒИНДИМ

Синфдош, бугун сени учратмаганимда, балки бу мисраларни ёзмаган бўлардим. Сени келинлик либосида кўрганимдан сўнг, бу учрашув илк марта эди. Ростини айтсам, кўзларинг тубидаги маъюслик аломатларини лабларингдаги ихтиёрсиз табассуминг яшира олмади. Табассуминг-да қалбаки туюлди менга.

Ёдингдами, синф доскасига синфдошлар иккимизнинг исмимизни қўшув белгиси билан ёзиб қўйишганда сен болаларча соддалик билан йиғлаб юборган эдинг. Мен эса йигитлик ғурурим кўзғабми, ёзув муаллифи билан ёқа бўғишганим сира ёдимдан чиқмайди. Ўйлаб кўрсам, худди ана шу ёзув мен учун сендан ягона хотира бўлиб қолган экан. Ҳамон сени ўйласам ўша ёзув кўз олдимда намоён бўлаверади...

Бугун сенга айтар сўзларим жуда кўп эди. Бироқ сени кўрдиму, ҳам доимгидек дилдаги сўзларим ҳавога учди. Сенинг-да айтадиган сўзларинг бордек туюлди менга. Бироқ иккимиз ҳам шафқатсиз дунёнинг кимлардир тўқиб чиқорган қонунларига бўйсунган ҳолда, бир вақтлардагидек жимгина ажралишдик. Балки, шундай бўлгани бир ҳисобдан яхшидир. Аммо кўзлар барча нарсаларни аллақачон бир-бирларига ошкор этиб бўлган эди.

Сездингми, инсон қанчалик бахтли бўлмасин, ҳақиқий бахтни тонгда осилиб турган шабнамдек ҳис этаркан. Мен бугун бахтни соғиндим. Ҳақиқий бахтни...

Обиджон ТЎХТАСИНОВ,
Дехқонобод тумани

• Ё алҳазар

ГУГУРТ СИФАТСИЗ ЭКАН...

Криводеево қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролардан бири ўз жуфти ҳалолини ёқиб юборди. Эр-хотин ароққа зарур бўлган пул учун жанжаллашиб қолишди. Хотин эса пул беришдан бош тортди. Оқибатда эса...


Хотинини уйқуга кетишини пойлаб турган эр, у уйқуга кетгач ғирт мастлиги, бунинг устига қаттиқ аччиқланганлиги учун хотини ётган кравот устига бензин сепиб, ўт қўйиб юборди.

Вологодск тумани ИИБ навбатчиси А.Бокиннинг айтишича, жабрланган аёл зудлик билан касалхонага ётқизилган. Ушбу мудҳиш жиноятни содир этган эр қўлга олинганида, у фақатгина гугуртнинг сифатсизлигидан нолирди. Сабаби, оловни ёқиш учун у учта гугурт донасини ишлатган экан.

• Бунга нима дейсиз?

Одам фақат шамоллагандагина йўталмайди

• Кроссворд



Энига: 2. Шимолий Муз океанига туташ денгиз. 4. Самолёт ва вертолётлар турадиган, таъмирланадиган жой. 8. Осиёдаги давлат. 9. Нотаниш. 10. Вақт бирлиги. 12. Бебаҳо неъмат. 13. Чолғу асбоби. 15. Буйруқ. 17. Санам, ҳурлиқо. 18. Отнинг туёғига қоқиладиган махсус мослама. 20. Тропик мева. 22. Россиядаги шаҳар. 23. Ж.Кэлирон фильми. 24. Транспорт тури. 25. Асосан эртакларда тилга олинадиган афсонавий махлуқ. 26. Осиёдаги давлат. 28. Муқаддас зот. 30. Кимёвий элемент. 32. Шахматдаги ғалаба. 34. Қурилиш ашёси. 36. Европадаги шаҳар. 37. География термин. 38. Одам. 39. Эртапишар хўл мева.

Бўйига: 1. Пайғамбар сўзининг кўплиги. 3. Жанубий Кореяда ишлаб чиқариладиган автомобиль тури. 5. Халқум муртак безларининг яллиғланиш касаллиги. 6. Жанубий Америкада учрайдиган турналар туркумига мансуб қуш. 7. Австралиядаги шаҳар. 11. Европадаги шаҳар. 12. Хўл мева. 14. Осиёдаги давлат. 16. Уругвай пойтахти. 18. «Менинг ..... балодур, ёнар ўтга соладур?» (мақолдан). 19. Африкадаги давлат. 20. Ишдаги унум, самарадорлик. 21. Мамлакатимиз киночиларининг ҳажвий киножурнали. 26. Майда ҳашорат. 27. Зах. 29. Эртапишар шафтоли нави. 30. Кашфиёт. 31. Шимолий Америкадаги давлат. 33. Кварц гуруҳига кирувчи минерал. 35. Автомобиль қисми.

Ўтган сонда эълон қилинган кроссворд жавоблари:

Энига: **5.Чақмоқ. 6.Фурқат. 7.Самарқанд. 9.«Гўрўғли». 10.«Алпомиш». 11.Рисолат. 12.Саратон. 13.Камалак. 16.Сумалак. 17.Қалдирғоч. 20.Даллол. 21.Зайтун.**

Бўйига: **1.Чалоб. 2.Темур. 3.Наврўз. 4.Варрак. 8.Қуръони карим. 14.Сурнай. 15.Бойсун. 18.Роҳат. 19.Работ.**

• Спорт


ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИН 29 НОЯБРДА БЎЛАДИ

Келгуси йили ўтказиладиган футбол бўйича Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланма олиш учун 3-гуруҳга кирган терма жамоалар мусобақаларни бошлаб юборишди.

Бирлашган Араб Амирликларида тўпланган бу гуруҳда майдон эгаларидан ташқари Ўзбекистон, Шри Ланка, Хиндистон ва Бангладеш терма жамоалари ҳам бор.

Биргина йўлланмани қўлга киритиш учун даъвогар бўлиб турган мамлакатимиз терма жамоаси дастлабки ўйинни Бангладеш футболчилари билан ўтказди. Бу ўйин ўзбекистонликларнинг тўла устунлигида ўтди ва 6:0 ҳисобида якунланди. Майдон эгалари ҳам биринчи учрашувда ғалабага эришдилар.

Кеча юртдошларимиз Шри Ланка терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Осиё чемпионати финалига йўлланма олувчи жамоа эса 29 ноябрь куни бўладиган учрашувлардан сўнг аниқланади.



Ғалаба!

• Шунақаси ҳам бўлади

ҚИЗИҚАРЛИ АҲМОҚЛИКЛАР

Дунё бўйича ҳар йили ўз ҳаётини энг аҳмоқона усул билан хавф остига қўйган шахсларга Дарвин мукофоти берилар экан.

1995 йили бундай мукофотлардан бири Жей Пот исмли болага берилган. У текин ичимлик ичиш мақсадида кока-кола автоматини қўли билан муштлаётган пайтда автомат унинг устига ағдарилиб тушади. 1996 йили аҳмоқлик бўйича дунё рекордини қўлга киритган АҚШ ҳарбий хаво кучлари сержанти ўз автомобилига реактив самолёт моторини ўрнатиб, жуда катта тезликда бир тўсиққа урилиб кетиш натижасида ердан юз метрча баландликка кўтарилиб кетади. 1997 йилги рекордни Лос-Анжелеслик Лари Уотерс ўрнатган. У бутун умри давомида бир марта бўлса ҳам осмонга парвоз қилиш орзусида юрарди. Кунлардан бирида гелий билан тўлдирилган 45 та шарларга стул боғлаб, қўлида милтиқ билан осмонга парвоз қилади (милтиқ шарларни отиб пастга тушишга ёрдам қилувчи восита бўлган). Шу кетишда у 3,5 километр баландликка кўтарилиб, 14 соат парвоз қилгач ҳарбий хаво кучлари томонидан аниқланади. Ўлгудай қўрқиб кетган Лари хатто шарларни бир-бир отиб ёришга ҳам ботинолмай қолади. Уни вертолёт ёрдамида кутқариб олишади. Ерга тушиши билан учиш қоидаларини бузганлиги учун ҳибсга олинади.

• Техника тарихидан

ВЕЛОСИПЕДНИ КИМ ИХТИРО ҚИЛГАН?



Велосипедда саёҳат қилиб юриб, биз унинг минг йиллардан буён мавжудлигини ҳатто хаёлга ҳам келтирмаймиз.

Олимлар қадимги Мисрда ҳайдовчиларнинг оёқлари билан ҳаракатга келтириладиган икки ғилдиракли механизм бўлганлигини тасдиқлайдилар. Бироқ барибир велосипеднинг пайдо бўлиш санасини расман 1817 йилдан бошлаб ҳисоблайдилар. Айнан худди шу йили Германияда барон фон Дрез «башанг от» деб ном олган механизмни намойиш этди. Орадан йигирма уч йил ўтиб шотландиялик Макмиллан бу механизмни такомиллаштириб, бошқарувни кейинги ғилдирак ўқи устига жойлаштирди. У ўз ихтиросини шу қадар тез ҳайдадики, «жазавали» тезлиги учун қамалиб ҳам чиқди. «Велосипед» («байсикл») сўзи Францияда 1865 йилда илк бор тилга олинди. Орадан йигирма йил ўтиб, велосипеднинг ҳозирги кўриниши кенг тарқалди. Айни вақтда эса турли хил шаклдаги велосипедлар мавжуд.

• Бир чимдим кулгу

Ўқувчи ўқитувчидан сўрапти:

— Айтинг-чи, аёл ва эркакнинг бир-биридан фарқи нимада?

Бу саволдан ўқитувчи ўйланиб қолди. Сўнг унинг ўзига савол берди:

— Қани айт-чи, ойинг ва дадангг оёқларига нечанчи размер туфли кийишини биласанми?

Ўқувчи ҳозиржавоблик билан деди:

— Ойим 38, дадам 42-размер.

— Ана, кўрдингми, эркак ва аёлнинг фарқи уларнинг оёклари ўртасидаги фарқда!

***

Милиционер консерва банкасини очишга уринмоқда. Анча ҳаракат қилди. Аммо бўлмади. Шунда у консерва банкасини қўли билан тақиллатиб, деди:

— Очинг, милиция.

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Я.Гуломов кўчаси,86-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Малс Наимов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.САИДОВ бажарган

«Ҳуқуқ» оригинал-макети Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.

Бичими А-3. Нусхаси-12656. Буюртма-0857.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди

Босмахонага топшириш вақти: 20.00. Топширилди: 20.45

1 2 3 4 5 6 7 8 9

Сотувда эркин нархда